

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

Адолат ҳар ишда
ҳамроҳимиз ва
дастуримиз
бўлсин!

2017 йил 25 июль • сешанба № 32 (1080)

Ёшлар — Ватан ишончи, миллат суянчи

“Энг муҳим вазифамиз Президентимизнинг юксак ишончига муносиб бўлиш Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида мунтазам иштирок этишдир”



Мен ёшликман

*Мана мен — ёшликман, ҳеч олмасман тин,
Ватан, бир қоринга келар ярагим.
Менга бор дардингни айтишинг мумкин,
Бугун жуссамдан ҳам катта юрагим.
Бола эдим, елкалаб юргувчи отам
Қафтида авайлаб, суйиб ўстирди.
Йиқилсам, қўлимдан тутгувчи Ватан
Суянчигим бўлиб, суйиб ўстирди.
Бунда шамоллар ҳам майин слади,
Қайдан топгум бундоқ Офтобистонни.
Энди менга суян, дегим келади,
Шарт бағринга босиб Ўзбекистонни!*



Меҳриноз АББОСОВА,
“Зулфия” номидаги
Давлат мукофоти соҳибаси

Сарвиноз ШОКИРОВА,
сирдарёлик фермер:



2017 йилнинг 30 июнь санаси бир умр ёдимдан чиқмайди. Пойтахтимиздаги симпозиумлар саройида ўтказилган “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида иштирок этиш баробарида Давлатимиз раҳбари билан суҳбат қуриб, ўзим каби ёш фермерларни техника воситалари билан таъминлашда амалий ёрдам зарурлигини билдирдим. Тақдирим Президентимиз томонидан қўллаб-қувватланди: қурултойдан уйимга етиб келмасимданок дала бошига бир эмас иккита янги замонавий қишлоқ хўжалиги тракторлари келтириб қўйилди.

Бундан бир неча йил муқаддам журналистлар билан бўлган суҳбатда мендан “Энг катта орзуингиз нима?” дея сўрашганда — Фермер хўжалигимга замонавий тракторлар олиш, — деб жавоб берган эдим.

Бугун меннинг ўша дастлабки орзуларим ушалди, бир эмас икки тракторнинг эгаси бўлдим. Ахир, айтадилар-ку, техника деҳқоннинг қаноти, деб.

Президентимизнинг юксак эътибори туфайли қўш қанотга эга бўлдим. Ушбу гамхўрлик биргина мени эмас, балки мамлакатимиздаги барча ёш фермерларни янада ғайрат билан меҳнат қилишга, тинимсиз изланиш ва юксак марралар сари интилишга ундайди. Хўжалигимиз жорий йилда ғалла бўйича шартнома режасини 110 фоизга бажарди. Айни чоғда 22 гектар майдондаги ғўзаларимизнинг ривожини ҳам чакки эмас. Насиб этса “оқ олтиндан” ҳам юксак хирмон кўтарамиз.

Беш йил олдин мен туман ҳокимлиги биносига фермер хўжалиқлари ташкил этиш бўйича танлов ўтказилиши ҳақидаги хабарни ўқиб қолган эдим. Айна шу хабар туфайли меннинг ҳаёт йўлим далага боғлан-



ди. Тендер комиссиясига ариза берган 100 кишидан 11 нафари фермерликка танланганда улар орасида энг ёши, эндигина 19 баҳорни қаршилаган қиз мен эдим.

Фермер хўжалигимизга 46 гектар ер ажратилди. Дастлаб менга шунча экин майдонини эплай оласанми, деган саволлар ҳам кўп бўлди. Аммо деҳқон оиласида вояга етганим, қолаверса, кўп йиллардан буён қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилиб, бой тажриба орттирган отамнинг маслаҳатлари менга далда ва куч-қувват бахш этди. Туманимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги Агро саноат касб-хунар коллежида олган би-

лимларим ҳам фаолиятимда ўз самарасини берди.

“Энг ёш фермер”, “Энг ёш аёл фермер” каби номинациялар гойиб бўлдим, 2015 йилда эса Биринчи Президентимиз Фармонига биноан бир гуруҳ ёшлар қаторида “Ўзбекистон белгиси” кўрак нишонини билан тақдирландим. Бу мендек ёш фермер қизни янада руҳлантирди.

Келажак орзуларим бисёр. Мева-сабзавотни қайта ишлаш тармоғини йўлга қўйиш ниятидаман. Яна яқин келажақда фермер хўжалиги қошида қўёш панелли ускуна воситасида иссиқхона ташкил этишни ҳам ўз олдимга мақсад

қилиб қўйганман. 3 гектар майдонда интенсив боғ яратмоқчиман. Анорчиликни ривожлантираман. Шунингдек, 50 сотих майдонда лимонзор барпо этаман. Сунъий қўл бунёд этиб, ғоз-ўрдақ парвариш-лашни йўлга қўяман. Фермер хўжалигимнинг экин майдонларини кенгайтириб, 100 гектарга етказаман. Кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил этиб, қишлоқ ёшларини доимий иш билан таъминлайман. Энг муҳим вазифам эса юртимизнинг барча ёшлари каби Президентимизнинг юксак ишончига муносиб бўлиш, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида мунтазам иштирок этишдир.

КИТОБ ЖАМИЯТНИ ТЎҒРИ ЙЎЛГА БОШЛАЙДИ

Ҳаёт ҳақиқатига тик боқишга ундайди

Сайёд СУЛТОНОВ,
Тошкент давлат юридик
университети талабаси:



ИНСОН маънавиятининг юксалиши, онг ва савия даражасининг кўтарилиши ҳамда руҳий оламнинг қамолга етиши айни китоб мутолааси жараёни билан узвий боғлиқ. Китоб жамиятни тўғри йўлга бошлайдиган ва одамларни ҳаёт ҳақиқатига тик боқишга ундайдиган илм хазинаси манбаидир. Биз ҳуқуқшунослар ҳам ҳар қадамда сўз масъулиятини гарданимизга олиб ишлашимизга тўғри келади. Бу борада китоб бизга биринчи галдаги кўмакчи вазифасини ўтайди. Юртимизда аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини юқори савияда шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Президентимиз ўз маърузасида эндиликда ҳар йили “Энг китобхон мактаб”, “Энг китобхон маҳалла”, “Энг китобхон оила” йўналишлари бўйича танловлар уюштириш ва голибларни муносиб тақдирлаш ҳақидаги ажойиб тақдирларини билдирди. Бундай эътибор нафақат ёшлар, балки мамлакатимиз аҳолисининг ҳар бир қатлами ўртасида қизиқиш уйғотиши, китобни севинишга чорлаши, шубҳасиз. Қолаверса, бундай тадбирлар ижодкорлар фикрини, эзгу

гоя ва мақсадини халққа етказишда муҳим кўприк вазифасини ўтайди, деб ўйлайман.

Бундан ташқари, умумтаълим муассасалари кутубхоналарини бадий адабиётлар билан таъминлаш учун 10 миллиард сўм таъжирини маблағ ажратилади. Мактаб ёшидан болаларнинг юртимиз ва хориж адиблари асарларини ўқиб улағиш имкони мавжудлиги нақадар қувонарли. Бугунги кунда кўпгина чекка шаҳар ва туманларда замонавий кутубхоналар мавжуд эмас. Шу сабаб у ерда таъсил олаётган ёшлар қанчадан-қанча адабиётларни ўқиш имкониятидан маҳрум ёки умуман бунга интилишлари ҳам йўқ. Юртимизимиз анжуманда 2020 йил 1 декабрдан ҳар бир туман ва шаҳарда барча қулайликларга эга бўлган кутубхона ва китоб дўконини ўз ичига олган Ёшлар марказларини барпо этиш лойиҳаси кўзда тутилаётганини алоҳида таъкидлади. Муҳташам бинода ёшлар хоҳ босма бўлсин, хоҳ электрон шаклда китоблардан замонавий усулларда фойдаланишлари мумкин бўлади. Ушбу лойиҳалар мамлакатимизда китоб ўқиш маданиятини ошириш, асосий вақтини виртуал оламда ўтказадиган ёшларни мутолаа дунёсига ҳам фаол бўлишларига чорлаш, келажак авлодни юксак маънавий гоғлар асосида тарбиялаш учун хизмат қилади.

ФАОЛ АЪЗОЛАР УЧУН ЧИНАКАМ МУКОФОТ БЎЛДИ

Мирзаахрор ХАСАНОВ,
Тошкент давлат юридик
университети талабаси:



ЮРТИМИЗДА ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни бирдамликка чорлаш мақсадида олиб борилаётган қатор ислохотлар мени жуда қувонтиради. Бўлажак ҳуқуқшунос сифатида қабул қилинаётган қарор ва қонунларни мунтазам ўрганиб бораман. Уларнинг моҳиятида ёшлар учун барча шарт-шароитларни яратиш асосий мақсад қилиб қўйилган. Шу маънода биз учун яратилаётган кенг имкониятларни келажакимиз учун қўйилган пойдевор, деб биланман. Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонида белгиланган мақсадлар ҳам мен учун жуда аҳамиятли. Келажакда фаолият юритадиган касбим нуктага назаридан ҳар бир қонун моҳиятини чуқур таҳлил қилиш вазифам ҳисобланади. Бугун қабул қилинаётган кўпгина қонун ва қарорлар эса фуқароларнинг ва айнан ёшларнинг манфаати учун хизмат қилади. Келгусидаги иш фаолиятимизни тўлақонли ташкил қилишимиз учун айни дамда барча қулайликлар ва ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

Уқш давомида жамоат ишларида ва тадбирларда фаол ишти-

роқ этишга ҳаракат қиламан. Бакалаврият ва магистр босқичи талабаларининг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган тақдирда таълим бўйича тўлов контракт миқдорининг 35 фоизи Ёшлар иттифоқини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан тўлаб берилиши иттифоқнинг фаол аъзолари учун чинакам мукофот бўлди. Ушбу рағбатга ва қувонтиради. Бўлажак ҳуқуқшунос сифатида фаолиятимизни тўлақонли ташкил қилишимиз учун айни дамда барча қулайликлар ва ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

Уқш давомида жамоат ишларида ва тадбирларда фаол ишти-

роқ этишга ҳаракат қиламан. Бакалаврият ва магистр босқичи талабаларининг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган тақдирда таълим бўйича тўлов контракт миқдорининг 35 фоизи Ёшлар иттифоқини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан тўлаб берилиши иттифоқнинг фаол аъзолари учун чинакам мукофот бўлди. Ушбу рағбатга ва қувонтиради. Бўлажак ҳуқуқшунос сифатида фаолиятимизни тўлақонли ташкил қилишимиз учун айни дамда барча қулайликлар ва ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

“Миллий парламентимиз тимсолида, аввало, жамиятимизнинг ҳақиқий кўзгу-сини, одамларни ўз ортидан эргаштириб, эзгу мақсадлар сари бошлашга қодир бўлган катта бир кучни кўрамиз.”

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 июль куни парламент палаталари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фаолиятининг таҳлили ҳамда истиқболдаги вазифаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузасидан)

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг Конституцияси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг тегишли моддаларида Қонунчилик палатасига қонунларнинг ижросини назорат қилиш орқали парламент назоратини амалга ошириш вазифаси берилган.

Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти шароитида парламент назорати институти ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу демократик институтининг асосий кураши парламент кўмиталари томонидан амалдаги қонунларнинг ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганишида куринади.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институти, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси томонидан “Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг Қашқадарё вилоятидаги ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил яқулилари бўйича Кўмитанинг кенгайтирилган сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

Эгзаменнинг бугунги сонида мазкур тадбирнинг тафсилотлари билан танишасиз.

Ақмал САИДОВ, Кўмита раиси:

— Ўзбекистондаги ислохотлар янги бир бошқича кўтарилган, шиддатли тусга кирган бир пайтда ҳар томонлама барқамол авлодини шакллантириш асосий вазифа сифатида белгиланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан

ишлаб чиқилган ва бугун ҳаётга тизимли равишда жорий этилаётган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам бу масала алоҳида акс этган. Жумладан, Ўшларга оид давлат сиёсатини тақомиллаштиришда қуйидаги вазифалар белгиланган:

биринчидан, жисмонан соғлом, руҳан ва ақдан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нукта назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

иккинчидан, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

учинчидан, ёш авлоднинг иқидий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш.

Болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида бир қатор қонунлар қабул қилинган ва Парламентимиз томонидан халқроқ ҳужжатлар ҳам ратификация қилинган.

Қонун ижроси бўйича Қашқадарё вилоятида мўйлан ижобий ишлар қилинган. Жумладан, 2016 йилда вилоят ҳокимлиги ва вилоят прокуратураси ташаббуси билан етим ва ота-она қарамақанд маҳрум бўлган болаларга ҳомиёлар томонидан Қарши шаҳрида 30 қонандондан иборат тураржой қуриб берилди. Бу бошқа вилоятлар ҳам ўрнат олса арзийдиган иш бўлган, десак муболага бўлмайди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси

воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлима-лари томонидан 2015 йилда 1119, 2016 йилда 1312, 2017 йилнинг 1-чорагида эса 4338 та ҳужжат воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга юборилган. 2015 йилда 689 нафар, 2016 йилда 779 нафар ва 2017 йилнинг 1-чорагида 407 нафар воёга етмаган профилактика ҳисобга олинган.

Ёшлар ташкилотлари томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда воёга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишга қаратилган 50 га яқин лойиҳалар амалга оширилган.

Турсунпўлат НОРБОЕВ, Кўмита аъзоси:

— Униб-ўсиб келаётган фарзандларига нисбатан алоҳида эътибор, ғамхўрлик, уларга муносиб турмуш шароитини яратиш мамлакатимиз давлат сиёсатининг энг асосий йўналишларидан бири деб белгиланган. “Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг моҳиятида ҳам айнан шу муҳим масала мўжассам.

Вилоятда ҳозирги вақтда 3 миллион 89 минг нафар аҳоли истиқомат қилмоқда, шундан воёга етмаганлар 1 миллион 87 минг (35.4 фоиз) нафарни ташкил этади.

Ижтимоий ҳаётдан хавфли аҳволда бўлган, назоратсиз ва қаровисиз қолган воёга етмаганлар сони 2015 йилда 213 нафар, 2016 йилда 235 нафар ва 2017 йил 1-чорагида 69 нафарни ташкил этган.

Ушбу даврда воёга етмаганлар ишлари бўйича вилоят идораларо комиссияси томонидан воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан 600 дан ортиқ йиғилишлар ўтказилган. Худудий комиссиялар томонидан воёга етмаганларга нисбатан 160 та, ота-оналарига нисбатан эса 1607 та маъмурий иш қўриб чиқилган.

Минтақавий ва туман (шаҳар) идораларо комиссияларининг давлат бошқарув органлари нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институти билан ижтимоий ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, 27 банддан иборат чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ҳамда мазкур режанинг ижроси ҳамкорликда амалга оширилиб келинган.

Вилоят идораларо комиссияси ва вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан 2015 йилда Қарши шаҳридаги “Мурувват” болалар интернет уйига 1.5 миллиард сўмлик ҳомиёллик ёрдами кўрсатилган.

Шунингдек, комиссияларнинг ташаббуси билан ижтимоий ҳимояга мўхтоб бўлган оилаларнинг 50 нафар воёга етмаган фарзандларининг хатна тўйларни ўтказиб берилган ҳамда уларнинг ҳар бирига омонат дафтларлари очилиб, ҳисобига 1 миллион сўмдан пул маблағлари қўйилган.

Иброҳим ХОДЖИЕВ, Кўмита аъзоси:

— Ёшларга оид давлат сиёсати мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб муҳим вазифаларимиздан бири деб белгиланган.

“Қамолат” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курултойидаги нуктада мамлакатимиз Президентини қўйидаги фикрларини билдириб ўтди.

“Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшайётган XXI асрда бу масалага ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. “Тарбия қанча мукамил бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”, дейди донишмандлар. Тарбия мукамил бўлиши учун эса бу масала юқ қўйиб бўлмайди”.

2016 йилнинг 11-13 июль кунлари Қарши санъат коллежида “Воёга етмаганлар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг ижтимоий-психологик асослари” мавзусида Республика илмий-амалий семинари ўтказилди. Худудий наркологи диспансери хо-

димлари томонидан воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича назоратда турган ўсимирлар билан ҳар чорақда таққослов далолатномалари олиб борилган. Диспансер қошидаги амбулатор тиббий-ижтимоий реабилитация дастурларидан ўтган давр давомида маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ижтимоий ҳолати оғир, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор бўлган оила фарзандлари билан мутахассислар томонидан профилактика тадбирлар амалга оширилган.

Вилоятда солиқни сақлаш органлари томонидан 15 нафар воёга етмаган бола тиббий кўриқдан ўтказилган ва ўқув-тарбия муассасаларига белгиланган тартибда солиғи тўғрисидаги ҳулосалар берилган.

2015-2016 йиллар давомида жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган 352 нафар ички ишлар идораларида профилактика ҳисобда турмуш воёга етмаганлар спорт соғломлаштириш оромгоҳларига жалб этилиб, ўтказилган тадбирларда, спорт мусобақаларида, семинар-тренингларда фаол иштирок этган, ҳуқуқ ижобий томонга ўзгарган воёга етмаганларнинг 210 нафари ички ишлар идораларидан профилактика ҳисобдан чиқарилган.

Халқроқ Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган 138-сон (“Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”) ва 182-сон (“Болалар меҳнатининг оғир шакллари тасдиқлаш ва йўқ қилишга доир шоишлик чоралар тўғрисида”) Конвенциялари талабларига риоя этилиши устидан доимий назорат ўрнатилган.

Абдуллажон ҲАМРАҚУЛОВ, Кўмита аъзоси:

— Қонун ижроси билан боғлиқ баъзи бир муаммолар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, Қонуннинг 26-моддаси талабига зид равишда воёга етмаганларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги ил-

тимосноманинг суд томонидан қўриб

чиқилиши ҳамда уларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш борасидаги талаблар бажарилмаганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, воёга етмаганларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақлаш ҳамда уларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш ёпиқ суд мажлисларида қўрилиши белгилаб қўйилган бўлса-да, бир қатор суд ажримлари Қонуннинг 26-30-моддалари биринчи қисмлари талабларига зид тарзда очик суд мажлисида ва бир қатор суд ажримларида эса умуман кўрсатилмаган.

Шунингдек, Қонуннинг 30-моддаси иккинчи қисми талабига зид равишда суд мажлисларида ўқув нисбатан ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома қўриб чиқилаётган воёга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, прокурор, вазирлик ва ҳомиёллик органининг, воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия вакилларининг иштироки шартли равишда белгилаб қўйилганлигига қарамасдан суд мажлисларида уларнинг иштирокисиз ажримлар чиқарилган.

Кўмита томонидан ўтказилган ушбу тадбирнинг асосий мақсади мамлакатимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурининг ижросини таъминлаш борасида Қашқадарё вилоятида “Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан бажарилишини ўрганиш, Қонунни амалиётда қўллаш жараёнида мавжуд муаммоларни аниқлаш ва давлат органлари билан вилоятнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтилари ўртасида муносабатларни янада ривожлантириш юзасида тақлифларни ишлаб чиқишдан иборатдир. Кенгайтирилган йиғилишда ушбу масала юзасидан бир қатор тақлиф-мулоқазалар билдирилди ва атрофлича муҳокама қилинди.

Давра сўхбатини Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.

Юридик таълим

МАЛАКАЛИ ЮРИДИК КАДРЛАР БУГУНГИ ДАВР ТАЛАБИ

МАМЛАКАТИМИЗ тараккиятли сари ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётимизда янги соҳалар, янги тушувча ва тамойиллар пайдо бўлмоқдаки, халқроқ майдонда давлатимизнинг бир борадаги манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда ушбу соҳага ихтисослашган юрист кадрларга эҳтиёж сезилмоқда.

Тошкент давлат юридик университетига бу йилги қабул 6132 нафарни ташкил этганини ва ҳар бир ўринга 10,2 фоиздан абитуриент тўғри келаётганини ҳисобга оладиган бўлса, ёшлар орасида айнан юрист бўлишни орзу қиладиганлар кўпчилиги ташкил қилиши аён бўлади. Ҳар йили соҳанинг юзлаб ёш мутахассислари олийгоҳни тугатиб, шаарофи касб эгасига айланишмоқда.

Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам дарҳол ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашяпти, деб бўлмайди.

Қоқори малакали юридик кадрларга бўлган эҳтиёж, уларга замонавий талаблар қўйиш ва мазкур соҳани ривожлантириш муҳим аҳамият касб этамоқда. Бу олий юридик таълим тизимини янада ривожлантириш, уни замонавий талаблар асосида ташкил этишни тақозо этади.

Ушбу масала “2017–2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган бўлиб, уни амалга оширишда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 28 апрелдаги “Тошкент давлат юридик университетига кадрлар тайёрлаш тизимини тўлдир тақомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори гоят муҳим ўрин тутди. Қарорда белгиланган асосий йўналиш ва вазифалар миллий олий юридик таълим истиқболига сезиларли таъсир кўрсатади, албатта.

Таъкидлаш зарур, мазкур Қарор ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг юксак талаблари ва халқроқ стан-

дарларга жавоб берадиган қоқори малакали юридик кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Қарор, аввало, миллий юридик кадрлар тайёрлаш тизимини халқроқ таълим стандартларига мувофиқ тўлдир ислох қилишни назарда тутди. Бунда таънч олий ўқув юрти бўлиши Тошкент давлат юридик университетини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди. Унга қўра, университет профессор-ўқитувчилари таркибининг маҳоратли, ҳуқуқий ва сиёсий маданият доимли ва сиёсий маданият доимли ҳодимлар билан мутахассисларга айланиш иш тажрибасига эга бўлган мутахассисларни таълим жараёнига кенг жалб этиш биринчи йўналиш этиб белгиланди.

Тошкент давлат юридик университетига ўқув-тарбиявий жараён сифатини ошириш, уни инновацион технологиялар билан тўлдир-тириш, талабалар билимининг баҳолашнинг самарали тизимини жорий этиш, мустақил равишда янги билимларни эгаллаш ва улардан фойдаланиш кўникмасини шакллантиришга қаратилган назарий тайёргарликни ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини таъминлаш имконини берди. Шунингдек, мамлакатда содир бўлаётган давлат қурилиши ва жамиятининг демократиклигини таъминлашнинг иқтисодий ривожланишининг устувор вазифаларини амалга ошириш ва суд-ҳуқуқ соҳасини ислох қилиш жараёнига юридик университет битирувчиларини фаол жалб этиш назарда тутилганлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Шунингдек, талабаларнинг мустақил таёйғарлигини чуқурлаштиришнинг ҳисобга олган ҳолда назарий машғулотларини янада оптималлаштириш, иш беришчилар эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўқув жараёнида юристларда таҳлилий фикрлаш ва касбий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган режа, дастур, ўқув-методик материалларни қўллаш; модул тизими ва ўқитишнинг

инновацион методларини ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш, талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг глобал ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, амалиёт, стажировка ўташ тартибининг тақомиллаштириш, шунингдек, миллий таълим тизими учун янгилик саналган клиник таълимни жорий этиш; ўқув, илмий ва бошқа адабиётлар, глобал ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурсларини мунтазам аниқлаб бориш; тизимли асосда педагогик ва илмий ҳодимлар малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, таълим жараёнига ҳорижий мутахассисларни жалб қилиш, талабаларнинг академик амалиоти таъминини таъминлаш бўйича етакчи ҳорижий таълим муассасалари ва тадқиқот марказлари, халқроқ ташкилотлар билан ҳамкорликни мустақамлаш; ижобий халқроқ тажрибани янада кенг қўллаш, жумладан, талабалар ўқув юкламаси ҳажминини аниқлашнинг шартли бирликлари, яъни кредитлар ўтказиш ва жамлаш тизимини жорий этиш; назарий билимларнинг қонунчилик фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқлигини, жумладан, давлат ва ҳужалик бошқаруви органлари, суд-ҳуқуқ органлари, адвокататура билан фаол ҳамкорлик орқали таъминлаш асосий йўналишлар сифатида белгилаб берилди. Қарорда, шунингдек, университетнинг халқроқ рейтингини ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида чет эл фуқаролари учун юридик таълим олиш имкониятини кенгайтириш ҳам белгиланган.

Юридик кадрлар рақобатбардошлигини, суд-ҳуқуқ тизими, нодавлат соҳа, бизнес тузилмаларидаги кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида университетнинг қабул квоталари кўпайтирилди. Жорий йилдан университетда талабалар қабул квотаси 600 та этиб белгиланди (ўтган йили 450 та эди). Шу билан бирга, университетга унинг мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб, тўлов-контракт пулининг оширилган миқдори бўйича қўшимча қабулни амалга ошириш тизими жорий этилди.

Бундан ташқари, ҳорижий тажрибага асосан ҳамда университетнинг халқроқ рейтингини ва миллий юридик таълимнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида бакалаврият босқичига чет эл фуқароларини алоҳида тартибда, тест синовларида, суҳбат асосида қабул қилиш тизими яратилди.

Ҳозир мазкур йўналишлардаги вазифалар ижросини таъминлаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қарорга мувофиқ университетга қўллаб-қувватлаш берилган ҳам тизимдаги катта талабларни мустақил равишда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, таълим беришнинг модул тизими шароитида профессор-ўқитувчилар меҳнатини нормаллаштириш, иш вақтининг фақат ўқув тадбирларига асосланган ҳолда, мустақил амалга ошириш ҳамда педагогик ҳодимлар томонидан илмий-методик, илмий-тадқиқот, таълимий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни бажаришни рағбатлантириш шулур жумласига кирди. Бундай ҳуқуқларнинг берилиши университетга катта масъулият юқлади.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу Қарор замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, ватанимиз манфаатларини миллий ва халқроқ миқёсда ҳимоя қила оладиган қоқори малакали юридик кадрлар шаклланишида муҳим омил бўлади.

Сайдуллахўжа САИДУЖАЕВ, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари



Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси

ЮРИДИК ХИЗМАТ МИНБАРИ

— КОЛЛЕЖДА иккинчи босқичда ўқийман. Ота-онам чет элда. Менга қараб туриш учун амакимни бириктириб қўйишган. Аммо амаким меннинг дарсларга боришимга қаршилиқ қилмоқда. Бундай ҳолатда жавобгарлик белгиланганми?

Ирода АБДУЛЛАЕВА, Чилонзор тумани

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўра, болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўқсинлик қилиш энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Демак, амакингизнинг Сизни дарслардан қолдиришга ҳаққи йўқ. Бунинг учун қонун олдида жавобгарлик белгиланган.

Саволга Тошкент темир йўл транспорти касб-хунар коллежи юристи Нурали БОЙПУЛАТОВ жавоб берди.

— ОЛИЙ ўқув юртига давлат гранти асосида ўқишга кирганман. Ҳўшини битиргач ҳарбий хизматга кетдим. Хизмат ўтаган даврим ҳам ўқишдан сўнг мажбурий ишлаб берилиши лозим бўлган мuddатга қўйилмади? Нодирбек САЙДИРАҲИМОВ, Юносув тумани

— Агар битирувчи талаба ўқишдан сўнг мажбурий ишлаб бериш вақтида ҳарбий хизматга келган бўлса, унда ҳарбий хизмат вақти мажбурий ишлаб берилиши лозим бўлган уч йиллик мuddатга ҳам кирди.

Саволга Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти юридик хизмат ходими Мавжуда РАЖАБОВА жавоб берди.

— БИЗ ўз ҳовлимизда кўп йиллардан буён чорвачилик билан шуғулланиб, даромад оламиз. Мазкур даромадларимизга солиқ солинадими?

Тилак ОБРЎЕВ, Тошкент вилояти

— Солиқ кодексига қўра, уй ҳўжалиги ва деҳқон ҳўжалигида етиштирилган ҳайвонларни тирик ёки сўйиб сотганда санаотда қайта ишланган ташқари ҳам ёки қайта ишланган ҳолда олинган даромадлар, чорвачилик, деҳқончилик, асаларичилик махсуслотларини сотишдан даромад солиғи солишдан озод қилинади. Мазкур ҳолатда тегишли маҳаллий ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан шу шахсга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжатни тақдим этилган ҳолатда солиқ солишдан озод этилади.

Саволга Бектемир туман давлат солиқ инспекцияси бош юриконсулти Бехоз НОСИРОВ жавоб берди.

— МЕН тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман. Тадбиркорлик субъектлари банқдан миллий валютата ҳисобрақам очиш учун қандай ҳужжатлар тақдим қилишлари керак?

Шаҳобиддин РАСУЛОВ, Тошкент шаҳри

— Ўзбекистон Республикаси банқларида очиладиган банқ ҳисобварақлари тўғрисидаги Ўйриқномага асосан тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлган резидент юридик шахслар миллий валютата талаб қилиб қилинган депозит ҳисобварақлари очиш учун банққа қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- а) мазкур Ўйриқноманинг 2-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза; б) мазкур Ўйриқноманинг 3-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган икки донна варақча; в) миқоз номидан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш вақолатига эга шахсининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки уни ўрнини босадиган ҳужжат). Шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли кўрсатилгандан сўнг, банқ томонидан унда нусха олинади.

Саволга “Ўзмилийбанқ” Тошкент шаҳар бош бошқармаси етакчи юриконсулти Бобурбек АБЛАКОВ жавоб берди.

“Инсон ва қонун” муҳбири Дилфуза ЭРАШЕВА тайёрлади.



Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир.

Абдулла АВЛОНИЙ

БУГУН КЎЧАДА САЁҚ ЮРГАН БОЛА ЎРНИДА

ЭРТАГА СИЗНИНГ ЁКИ

БИЗНИНГ БОЛАМИЗ ҲАМ БЎЛИШИ МУМКИН-КУ

ТУН айна ярим палла. Борлиқни тунги сукунат эгаллаган. Кундаги юмушлардан ҳориб, ўз улан тушагини ором ошинеи билган одамлар аллақачон уйкуга кетган. Кўчада эса кун авжига рафлатни афзал билиб, ярим тундан маъно излагувчилар ҳам йўқ эмас. Бундай пайтда ўз ақл-фаросатига таянган орномус эгаларининг ҳеч бири кўча-кўйда сангмайди. Шундай бўлса-да, не бир ҳожат билан остана хатлаган кишилар оида-сонда учраб туриши мумкин.

